# Сиёсий иш усулларини эгаллайлик

**◎ Тошкент шаҳар партия комитетида шаҳарда маънавий-руҳий вазиятни соғломлаштириш бўйича шаҳар идеология фаоллари билан ўзаро мулоқот бўлиб ўтди.**

**Сўзга чиққанларнинг нутқлари қисқача баёнини ҳавола этамиз.**

**Ш. А. АЛИМОВ,**
**В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунунининг ректори:**

— Биз шуни тан олишимиз керакки, олий ўқув юртларининг партия, комсомол ташкилотлари, профессор-ўқитувчилар таркиби студент-ёшлар ўртасида ғоявий-сиёсий ишларни ҳали етарлича ўтказяпти деб бўлмайди, партия ва ҳукуматимизнинг муҳим қарорларини уларнинг ҳар бирига етказолмаётирлар. Мана шунинг оқибатида ёшларнинг муайян қисми жамиятда содир бўлаётган жараёнларни охиригача тушуниб етмаётир, бу эса турли хил шов-шувлар келиб чиқишига сабаб бўляпти.

Ошкоралик кенгайиши, студентларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллиги ўсиши муносабати билан уларнинг кўпларида у ёки бу муаммо бўйича ўзининг шахсий фикрини айтиш эҳтиёжи пайдо бўлмоқда. Шуни ҳисобга олиб бизнингча митинглар ўтказиш учун алоҳида жой ажратиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Дорилфунун партия комитети, жамоат ташкилотлари талабалар шаҳарчасида муайян жой ажратиб, ана шу митингларни ўтказишга кўмаклашишга тайёрдир. Биз бу жойни жиҳозлаб беришимиз мумкин. Бу митингларда бизнинг олимларимиз, фаолларимиз сўзга чиқишга шайдирлар. Ёшлар билан мунозарага партия ва комсомол ходимларини таклиф қилиш мумкин. Умуман мен митингларни ташкилий суратда ўтказишни таклиф этаман. Митингга ишнинг кўзини биладиган ходимларни таклиф этиш зарур. Токи улар студент-ёшларнинг саволларига малакали жавоб бера оладиган бўлсинлар.

**С. И. ИБОДУЛЛАЕВ,**
**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг проректори:**

— Мен Ш. А. Алимовнинг таклифини тўла қўллаб-қувватлайман. Митинглар ўтказиш учун муайян жой ажратиш ва у ерда тартибни таъминлаш зарур. Институтнинг ректорати ва партия ташкилоти студентлар ўртасида турли хил тадбирлар олиб боряпти, уларнинг дам олишини ташкил этишни яхшилашга яккама-якка иш олиб боришга катта эътиборни қаратмоқда. Институтда деканнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари лавозими таъсис этилди.

**Г. В. ШЕВЕЛЕВА,**
**В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари:**

— Менинг назаримда ҳозирги паллада митингларсиз ҳам иш олиб бориш мумкин. Мана, бизнинг бирлашмамизда ишчилар, инженер-техник ходимлар ўртасида тил тўғрисидаги Қонун лойиҳаси муҳокамаси юзасидан жуда кўплаб саволлар туғилди: масалан, бу қонун қандай жорий этилади, унинг моддаларини бажариш учун маблағлар ажратиладими ва ҳоказо. Ана шу саволларга улар аниқ жавоб олишолмайди. Натижада митингга борадилар.

Тошкент сингари катта шаҳарда оммавий митинглар ўтказиш жуда кўп муаммоларни келтириб чиқаради. Жуда кўп одамлар оқими транспортнинг, шаҳардаги бошқа хизмат бўлимларининг бемалол ишлашига халақит беради. Бундай тадбирларни ўтказиш пайтида тартибни сақлаш учун ҳуқуқни муҳофаза этиш органларининг анчагина кучлари ўз ишларидан чалғийдилар. Шунинг учун ҳам менинг назаримда ҳар бир районда матбуот маркази ташкил этиш керак. У ерда олдиндан белгиланган вақтда партия, совет ходимлари, олимлар, малакали мутахассислар меҳнаткашларни қабул қилиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб берсинлар.

Афсуски, биз жамоат ташкилотлари кучидан жуда ёмон фойдаланяпмиз. Ҳолбуки, қайта қуриш жараёнида пайдо бўлган бу жамоат ташкилотлари амалда ҳаракатсиздир. Масалан, мамлакатимизда авиасозлар жамияти ташкил этилган. Бирлашмамизнинг баъзи ходимлари байналмилал фронти ташкил қилиш таклифи билан чиққанда биз партия комитетида ана шу авиасозлар жамияти доирасида уларга байналмилал тарбия бўйича ишларни кенг тус олдиришни тавсия этдик. Бу таклифни тушуниб, қабул қилдилар.

**Г. Н. ШЧЕГЛОВА,**
**республика рус тили ва адабиёти педагогика институтининг ректори:**

— Биз аҳволни соддалаштирмоқчи эмасмиз: бизда ҳамма нарса жойида деб бўлмайди. Ҳар хил митингларга кенг йўл очиб бериш керак эмас. Менинг назаримда ҳозир тобора ашаддийлашиб бораётган баъзи бирлашмаларга нисбатан қатъийроқ ҳаракат қилиш палласи келди.

Тил муаммоси тўғрисида гапирмоқчиман. Бизнинг институтимизда ҳозирги баҳс-мунозараларга ҳали анча бор. Негаки, бизда ҳамма нарса икки тиллилик асосига қурилган. Ахир, истаган тилни ўрганмоқчи бўлсангиз, ўз она тилингизни билмасдан туриб уни ўрганиш мумкин эмас-ку. Мана шу она тили ҳар бир кишига она-Ватан, она, бешик қандай зарур бўлса, шундай зарурдир. Аммо, тил муаммоси атрофида нега бунчалик эҳтирослар қайнаб кетди. Ахир, уни ҳал этиш мумкин-ку. Уни давлат даражасида хотиржам, ишчанлик вазиятида ҳал этишяпти-ку. Нега энди кўп минг кишилик митингларга тўпланмоқдалар? Ахир шу нарса яхши маълумки, ёшлар ҳис-ҳаяжонга тез бериладиган бўладилар, улар эҳтирослидир ва ўйламай-нетмай қўйилган бир ёки бир неча кишининг ҳар бир қадами мутлақо кўзда тутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин. Нега энди мана шундай муаммоларни олий ўқув юртининг ўзида, факультет ёки группанинг ўзида муҳокама этиш мумкин эмас?

**Т. ҲАЙДАРОВ,**
**Акмал Икромов район партия комитетининг биринчи секретари:**

— Мен митингларга мутлақо қаршиман. Чунки улар ачинарли воқеалар билан тугаши мумкинлиги ҳақида гапиришди. Бу масалада тақиқловчи усуллар ёрдам бермайди. Умумшаҳар митингини ўтказиш нима учун зарур бўлиб қолди? Уни ҳар бир районда жамоат ташкилотлари ҳамда норасмий бирлашмаларнинг вакиллари иштирокида ўтказса бўлмайдими? Партия ташкилотлари қизғин тушунтириш ишлари олиб боришлари, воқеалардан олдинда юришлари керак. Ҳолбуки улар кўп ҳолларда воқеаларнинг думида юришибди.

Кўп кишилик митингларда кўпинча атроф-муҳит, жиноятчилик тўғрисидаги масалалар кўтарилмоқда. Масалан, нима учун норасмий бирлашмаларнинг раҳбарлари ёшларнинг куч-ғайратини атроф-муҳитни яхшилашга, айтайлик, Бўзсувни тозалашга ёки ўсмирлар жиноятчилигига қарши курашга жалб этмайдилар?

Белгиланган қоидаларни бузувчилардан қаттиқ туриб талаб қилиш зарур. Ахир, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг шаҳарнинг марказий қисмида митинглар ўтказишни тақиқлаш тўғрисидаги қарори бор-ку. Ушбу қарорни бузувчиларга нисбатан ҳам кўзда тутилган чоралар қўлланилмаяпти. Умуман ҳозирги пайтда митинглар ўтказиш билан шуғулланмасдан бунёдкорлик ишлари қилиш зарур.

**Ҳ. Ғ. ҚОДИРОВА,**
**шаҳар хотин-қизлар кенгашининг раиси:**

— Ёшлар ўртасидаги тарбиявий ишларда жиддий нуқсонларга йўл қўйиляпти. Комсомол ташкилотларининг ёшларга таъсири сезиларли даражада пасайиб кетган.

Ёшлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришда ветеранларни, маҳалла комитетлари ва хотин-қизлар кенгашларини жалб этиш зарур. Уларнинг салмоқли сўзлари ёшларнинг онги ва қалбига албатта таъсир этади.

**Н. ҲАСАНОВ,**
**Тошкент политехника институтининг доценти:**

— Талабалар шаҳарчасидаги рухсат берилган митингда масъулиятсизлик билан айтилган сўзлар эшитилди. Бироқ митингда иштирок этган кўпгина партия ходимлари ана шу вайсақи «нотиқ»ларга муносиб зарба беришга юраклари бетламади.

Студент ва ёшларнинг баъзи бир қисми ўртасида ғоявий беқарорлик содир бўлишида олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар таркибининг ҳам айби бор, албатта. Уларнинг кўплари ҳамон эскичасига ишламоқдалар. Фақат ўз фанларини ўқитиш билан чекланиб қолмоқдалар. Партия ташкилотлари ҳам ўқитувчиларнинг ақл-идрокларидан жуда ёмон фойдаланяптилар. Масалан, уларни баҳс-мунозараларга, жамоат тадбирларига онда-сондагина таклиф этмоқдалар.

**Д. ШАБАНОВ,**
**республика рус тили ва адабиёти педагогика институти партия бюросининг секретари:**

— Ўқитувчи биринчи навбатда тарбиячидир. Агар у студентларни тарбиялаш бўйича ўз олдида турган вазифани уддалай олмаса, яхшиси унинг бу ишдан кетгани маъқул. Ана шу талабдан келиб чиқиб, ҳар бир ўқитувчининг тарбия учун шахсий жавобгарлигини ошириш керак.

**Н. ПРЯНИКОВА,**
**Собир Раҳимов район комсомол комитетининг биринчи секретари;**

— Бу ерда комсомол ташкилотлари шаънига жуда ҳаққоний танқид бўлди. Ҳақиқатан ҳам ёшлар, айниқса студентлар ўртасида иш олиб боришда шундай нуқсонлар бор. Ёшлар ўртасида содир бўлаётган салбий кўринишлар умуман олганда жамиятимизга ҳам тааллуқлидир. Кўп йиллар мобайнида йигит ва қизларнинг талаб-эҳтиёжларига умуман эътиборсизлик билан қаралди. Бу ҳақда студент ётоқхоналаридаги аҳволга қараб ҳукм қилиш мумкин. Талабалар шаҳарчасида ёшларнинг турмуши ва дам олишини ташкил этишда жиддий нуқсонлар ҳали ҳам бор. Талабалар шаҳарчасидаги аҳволни яхшилаш бўйича комплекс тадбирлар қабул қилинганига ҳам орадан бир йил ўтди. Бироқ бу белгиланган тадбирларнинг кўпи ҳамон бажарилмасдан ётибди. Ахир студентларга мана шундай муносабатда бўлгандан кейин уларнинг сўзларимизни қандай қабул қилишларига ажабланмасак ҳам бўлади.

**Ғ. КАРИМОВ,**
**Чилонзор районидаги «Қурилиш» маҳалла комитетининг раиси:**

— Оилада ахлоқни шакллантириш жуда муҳимдир. У тарбиянинг асосидир. Бироқ кейинги вақтларда биз кўпгина ажойиб анъаналарни унутиб қўйяпмиз. Ахир, бу анъаналар асрлар бўйи таркиб топган эди-ку. Масалан, кексаларни ҳурмат қилиш, сабр-тоқатли бўлиш, ўйлаб, мулоҳазакорлик билан иш тутиш ва ҳоказо. Ҳозирги шароитларда коллектив тарбиячи сифатида маҳалла комитетларининг роли ошиб боряпти. Маҳаллаларда олиб борилаётган ошкора, ҳалол баҳс-мунозаралар кўпчиликни қизиқтираётган масалаларга бағишланяпти. Бу эса одамларга далда бўляпти. Муайян даражада маънавий-руҳий иқлимни соғломлаштиришга хизмат қиляпти.

**У. ЖУМАГЕЛДИЕВ,**
**Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг 5-курс талабаси.**

— Фақат ўз фикрини айтишга интилишгина эмас, балки йиллар мобайнида ҳал этилмай келинаётган муаммолар ёшларни митингга олиб келяпти. Шунинг учун ҳам партия ва совет органларининг, шунингдек олий ўқув юртларининг раҳбарлари бизлар билан тез-тез учрашиб туришлари, қуруқ ваъдалар билан чегараланмасликлари керак. Балки социал-маиший шарт-шароитларни яхшилашга амалий ёрдам беришлари зарур.

**А. И. ФОЗИЛБЕКОВ,**
**Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари:**

— Биз мураккаб даврни бошдан кечиряпмиз. Унинг кўплаб белгилари орасида энг муҳими демократиялаштириш ва ошкораликдир. Бугунги ижтимоий ҳаётнинг бошқа барча кўринишлари ана шунинг шарофатидандир.

Демократиялаштириш ва ошкоралик бизга ўзимизга беихтиёр назар ташлаш, бўшанглик ва бефарқликни барҳам беришга, ҳақиқий янгиланиш учун кураш бошлашга имкон берди. Бўшанглик ва бефарқлик халқнинг ижодий ва бунёдкорлик кучларини бўғиб ётди, бу кучлар узоқ йиллар ва ўн йиллар мобайнида ҳаракатсиз бўлди.

Бироқ, кейинги йилларда биз кўпгина ибратли сабоқлар олдик ва олмоқдамиз. Булар тараққий этган жамиятнинг бу икки муҳим белгиси агар нотўғри талқин этилса, унга зарар келтириши мумкинлигини кўрсатди.

Қайта қуриш жамиятимиз қиёфасини ўзгартириб юборди. Уни ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг янги шакллари билан бойитди.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг янгиланганлигидан турли митинглар ва манифестациялар ўтказилаётгани белги бериб турибди.

Бу яхшими ёки ёмонми? Бу ерда бир хил маънодаги жавобни бериш қийин. Агар принципиал ёндошувлар ҳақида гап кетса, унда биз жамоат фикрини ифодалашнинг бундай шаклига қарши эмасмиз. Бироқ, митинг ўтказишга қарор қилинган бўлса, унда мавжуд ҳуқуқий тартибларга мувофиқ тарзда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети белгилаб берган жойда ўтмоғи керак.

Нега биз айнан мана шундай ёндашув тарафдоримиз? Чунки биз шаҳримизда тинчлик ва мўътадилликни таъминлашимиз муҳимдир. Тошкентда азалдан соғлом маънавий-руҳий вазият қарор топган. У ўзининг руҳига, аҳолисининг таркибига кўра жуда ҳам байналмилалдир. Бизнинг бурчимиз шаҳарликларнинг байналмилал жипслигини кўз қорачиғидек асраш ва мустаҳкамлаш, уларнинг хотиржамлилигини, эртанги кунга бўлган ишончини таъминлаш деб ҳисоблайман. Ўйлайманки, ҳар бир соғлом фикр юритувчи киши ҳуқуқий давлат учун кураш социалистик ҳуқуқ-тартиботни бузиш йўлидан боролмаслигини, эзгу мақсадга, ахир яроқсиз воситалар билан эришмаслик кераклигини билади.

Масалани бошқа томондан ҳам қўйиш мумкин — митингларда қўйилаётган масалалар ҳаёт кўрсатиб тургандек партия ва совет органлари томонидан ҳал этилаётган бир чоғда митингга куч ва вақт сарфлашга ҳожат борми? Бунга ишонч ҳосил қилиш учун КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил сентябрь Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1989 йил XVI пленуми материаллари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. А. Каримовнинг «Правда Востока» ва «Совет Ўзбекистони» газеталарида шу йилнинг 27 сентябрь сонида босилган суҳбати билан танишиш кифоядир.

Мисол учун ўзбек тилига давлат мақоми бериш тўғрисидаги масалани олиб кўрайлик. Ишончим комилки, у худди шундай бўлади, бошқа тилларга зарар етказмаган ҳолда ўзбек тили мақоми берилади деб ўйлайман. Аммо гражданларнинг таклифлари ҳисобга олинган лойиҳани ҳали кўрмасдан туриб лойиҳа ҳақида бунчалик бош қотиришларнинг нима кераги бор? Маълумки, унинг устида таниқли мутахассислар, ёзувчилар, шоирлар, шу жумладан норасмий ташкилотларнинг вакилларидан иборат обрўли ишчи комиссияси иш олиб боряпти.

Бу ҳақда ҳаммага маълумдир.

Пахта яккаҳокимлиги тўғрисидаги масалада ўйлайманки, бу ҳақда яхшиси қишлоқ аҳли ўз фикрини айтаолишсин. Нимани, қачон, қанча ва қаерда экиш керак, қўйинг, булар ҳақида митинг эмас, деҳқоннинг ўзи ҳал этсин, чунки уларга янгича хўжалик юритиш мана ниҳоят мустақиллик берди.

Эҳтимол, кимгадир шаҳарнинг ишчи ҳаёти мароми, меҳнат ва ўқув коллективларидаги хотиржам, ишчанлик вазияти хушёқмаётгандир.

Биз шуни яққол кўриб турибмизки, шаҳар меҳнат ва ўқув коллективларидаги мўътадил вазиятни муайян кучлар чамаси бир силкитиб кўрмоқчи, носоғлом шов-шувлар уйғотишни хоҳлаб қолгандир. Бу сиёсий масъулиятсизлик, хавфли бузғунчиликдан бошқа нарса эмас деб ҳисоблайман.

Битта ягона кўпмиллатли аҳил оилада истиқомат қилаётган эканмиз, шуни унутмаслик кераккки, биз ҳаммамиз тан-жонимиз бир бўлганлиги билан кучлимиз.

Халқда шундай доно нақл бор: «Жанжал бўлган уйда қирқ кун барака бўлмайди». Шунинг учун биз кучларни сочиб юборишимиз эмас, балки оқилона муросаю-мадоранинг мулоқот йўлларини топишимиз ва ҳаммамизнинг биргаликда умумий ишни қилишимиз биз учун ҳаётий заруратдир. Бошқа йўлни кўрмаяпман.

Умид қиламанки, кимга хотиржамлик ва хавфсизлик, шаҳардаги хуш вазият қимматли бўлса, ҳамма вазиятни янада мўътадиллаштириш учун партия ва совет органлари куч-ғайратларини қўллаб-қувватлайди.

◎

Ўзаро фикр алмашишда шунингдек Октябрь район комсомол комитетининг биринчи секретари М. **Тошпўлатова**, Тошкент машинасозлик институтининг проректори **Л. В. Перегудов**, Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи партия комитетининг секретари **В. П. Кравченко**, ўрта ҳунар-техника билим юртининг директори **Т. И. Иноғомов**, Акмал Икромов район Ҳабиб Абдуллаев номли маҳалла комитетининг раиси **А. Исломов** ва бошқалар қатнашди.

Шаҳар идеология фаоллари билан ўзаро мулоқотда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари **Ж. Ҳ. Ҳамидов** сўзга чиқди.

# Шанба оқшомида

## Турмуш чорраҳаларида

# Жон озиғи

ИНСОН — хоҳ у ёш бўлсин, хоҳ кекса меҳрга ташна бўлади. Бир оғиз ширин сўзнинг гадоси. Шу ширин сўзнинг қадри, айниқса қарилик чоғларда жуда билинади. Оқибатли фарзанд ота-онаси мункиллаб қолганида маънавий яккалаб қўймайди. Уларнинг кўнгли нима истаса, шуни муҳайё қилишга интилади. Шунда табаррук отахон, нуроний онахон боласини алқаб: «Бизга қилган меҳрибончилигинг фарзандларингдан қайтсин, ҳеч кам бўлма», дейишади.

Бу хонадон ҳақида бир ҳурматли одамдан эшитгандим. Эшитдиму, шу пири-бадавлат оила билан танишиш истаги туғилди.

Файзивой ота Чўлиев 94 ёшга чиқдилар. Пўлатой ая эса 84 ёшга. Бу икки табаррук инсон бир неча фарзандни тарбиялаб вояга етказишди. Улардан невара-чеваралар кўришди. Уч-тўрт йил бурун чол-кампир ётиб қолишди. Катта ўғилнинг бевақт вафот этиши уларни анча эзиб қўйди. Ундан қолган икки фарзандни ўзлари катта қилишди. Ҳамма фарзандларини вояга етказиб, уйли-жойли қилишдию, ўзлари ёрдамга муҳтож бўлиб қолишди. Фарзандларининг, келин-куёвнинг катталарга оқибати шунда билинди. Бундай пайтда яхши келин бировнинг амрини кутиб ўтирмайди. Виждони буюрганини қилади. Худди ўз ота-онасидек ардоқлайди. Файзивой ота билан ая ётиб қолишгач, келинларнинг асосий ташвиши уларга қараш бўлди.

Кичик келин — Карима Чўлиеванинг олдинги иши яхши, коллективда обрўси жойида эди. Лекин кўп вақт ишга, йўлга кетади. Унинг устига навбатчиликлар. Бу ёқда эса кексалар у келгунча қийналиб қолишяпти. Ҳазилми, бирлари тўқсон бешга, иккинчилари саксон бешга қадам қўйишди. Ҳеч иккиланмай ишдан бўшади ва яқинидаги 131-мактабга фаррош бўлиб ишга жойлашди. Ҳарна бўш вақти кўп бўлади, қариялар ҳолидан хабар олиб туришга улгуради.

Мана, икки йилдирки, икки овсин бир жойда ишлашади. Мактабдаги ишни тугатишадию, уйга шошилишади. Кариманинг асл мутахассислиги медицина ҳамшираси эмасми, қайнота-қайнона атрофида кўпроқ парвона бўлади. Озгина тоблари бўлмаса унинг тинчи йўқолади. Тузатмагунча тинчимайди. Унинг меҳрибончилигидан икки табаррук инсон миннатдор. «Барака топ болам, қўлинг дард кўрмасин» дея алқашади.

Шукрки, бундай келинлар кўп дунёда. Улар туфайли олам гўзал, хизматидан кексалар шод. Бундай фидойилар ҳақида ҳар қанча ёзса арзийди. Аммо қанийди ҳамма ҳам шундай бўлса!

Ҳурматли отахонлардан бири яқинда бир воқеани гапириб берганди. Андижондан қуролдош дўстлари келишган экан. Уч-тўрт киши бўлишиб бир одамни кўргани боришибди. У ҳам шулар қатори бир қисмда жанг қилган, ичларида ёши улуғи экан. Ҳозир саксон учга тўлибди. Боришса отахон қизиникида экан. Сўроқлаб у ерни ҳам топишибди. Чол бетоб ётган экан. Уларни кўриб қаддини бироз ростлабди. «Қаерингиз оғрияпти» деб сўрашса аниғини айтмабди, «Сал учинибман шекилли» дебди. Орадан бир ҳафта ўтгач вафот этибди. Етиб қолганининг сабабини қизи айтиб берибди. Бир куни келини кир юваётиб «ўлмади, қутулмадим. Жонимга тегиб кетди кириям; ўзиям» деганини ота эшитиб қолибди.

Тан яраси битаркану, дил яраси тузалмас экан. Урушда тўрт йил қон кечиб, не-не балолардан омон чиққан одамни биргина гап йиқитди. Шўрлик чол умрининг сўнгги дақиқаларида ҳам келинини қарғамабди. «Майли, ўзига инсоф берсин, болам билан қўша қарисин» дебди. Марҳумни сўнгги йўлга кузатишаётганида ўша аёлнинг виждони қийналганмикин?..

Файзивой отанинг хонадонларидан қайтаётиб шулар ҳақида ўйладим. Икки ўзбек оиласи тимсолида икки хил манзара. Бирида келин ўз инсоний бурчини сидқидилдан адо этади, дуо олади, иккинчисида эса...

Ёмон келин ҳеч қачон оқила, эл ҳурматини қозонган она бўлолмайди.

**Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.**

## Атроф-муҳит бўйича инженер



**Ўрта Осиё регионида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича мутахассислар тайёрлайдиган ягона ўқув юрти бу — Тошкент политехника институтидир. Бу ерда мана иккинчи йилдирки, химия-технология факультетининг атроф-муҳит муҳофазаси кафедрасига инженер-эколог мутахассислиги бўйича студентлар қабул қилинди. Бўлажак мутахассислар саноат, илмий, конструкторлик ва лойиҳалаш соҳаларида атроф-муҳит муҳофазаси борасида иш олиб борадилар. Ҳозир эса бу ерда илмий ва ишлаб чиқариш базаси ташкил этиляпти. У энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Ишлаб чиқариш практикасини бевосита корхоналарда ўтказиш кўзда тутилган.**

**СУРАТДА: кафедра мудири, доцент Б. А. Абдуғаниев студентлар билан иш олиб боряпти.**

**Ф. ҚУРБОНБОЕВ сурати, [ЎзТАГ].**

## Бугун—Тарғиботчилар куни

# Сўз сеҳри

ВИКТОР смена тугашига саноқли дақиқалар қолганда ремонт устахонасини айланиб чиқди. Одатига кўра машина двигателларига қайта ҳаёт бахш этаётган ишчиларнинг ҳузурида бўлди. Уларнинг меҳнатини обдон кузатиб, ишнинг сифатига ўзида комил ишонч ҳосил қилгач хонасига қайтди. Энди унинг олдида эртанги кун топшириқларини белгилаш вазифаси турарди. Виктор столи устида сочилиб ётган варақлардан бирини олиб ёзишга киришди. Шу пайт бирдан телефон жиринглаб қолди. Сим қўнғироқдан 2-автокомбинат партия комитетининг секретари Леонид Владимирович Клестовнинг таниш овози эшитилди:

— Бугун бироз вақтингни олмоқчи эдим, Витя. Ишларингни бир ёқлик қилиб олгач ҳузуримга кириб ўт.

Қисқа ва лўнда гапдан Виктор парткомдаги ишнинг жиддийлигини ҳис қилди. Леонид Владимирович фақат зарур топшириқлар чиқиб қолган кезлардагина коммунистларни йўқларди.

Автокомбинат партия комитетининг секретари Леонид Владимирович ремонт устахонаси мастери, коммунист, пропагандист Виктор Акимовни илиқ қарши олди. Умумий ишлар тўғрисида гаплашиб бўлингач партком секретари мақсадга кўчди.

— Ҳадемай сиёсий маориф шохобчаларида яна машғулотлар бошланади, — деди у. — Бошқа пропагандистларимизнинг янги ўқув йилига тайёргарлик кўришга киришишганига анча бўлди. Сен эса негадир сукут сақлаб, кунни ўтказяпсан. Ё бирон муаммо бунга халақит беряптими?

Кутилмаган саволдан Виктор алланечук бўлиб кетди. Партком секретарининг эътирозлари ўринли эди. Аммо унинг ўзи ҳам қараб тургани йўқ. Гарчанд Виктор Акимов парткомга иш планини ҳали тавсия этмаган бўлса ҳам уни аллақачон ишлаб чиққан эди. Яна янги адабиётлар, газета саҳифаларида эълон қилинган муҳим қарор ва партия ҳужжатларини ҳам ўқиб, ўрганиб юрибди. Шунинг учун ҳам беором қалб эгаси, фаол коммунист Виктор Акимов Леонид Клестовга бор гапни ётиғи билан батафсил тушунтирди.

— У ҳолда бошқа гап, — деди партком секретари бироз хотиржам бўлиб. — Аммо ишлаш керак. Ишлаганда ҳам бошқалардан қолишмаслик зарур. Ахир биз сени келаси йилги «Пропагандист — 90» агитпоездига тавсия этмоқчимиз. Ўзингга маълум, бу агитпоезд сафарида иштирок этиш фақат тажрибали пропагандистларгагина насиб этади. Шундай экан бўш келма...

Энди Викторнинг вужудини илиқ ҳислар чулғаб олган эди. Яхши гапдан у яйраб кетди. Қандай қилиб хонасига қайтиб келганини ҳам сезмай қолди. Ахир бундай ишончга сазовор бўлишнинг ўзи бўлмайди. Одамлар билан ишлай билиш, бор маҳоратни санъат даражасига етказиш керак. Ана шундагина тингловчилар аудиториясида ҳамиша баҳс, мунозара, бой мулоҳаза ва амалий таклифлар ҳукмрон бўлади. Буни Виктор ўзининг бутун пропагандистлик фаолияти давомида бир неча бор синаб кўрган. Унинг 2-автокомбинат ремонт устахонасида мастерлик қилаётганига оз эмас — 12 йил бўлди. Шу давр ичида Виктор Акимов ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш билан бирга жамоат ишларини адо этишга ҳам вақт топди. Жонкуярлигини, коллектив иши учун фидойилигини намойиш қилди. 1977 йили КПСС сафига қабул қилинганидан кейин айниқса партия топшириқларини бажаришга жиддий киришди.

Тўғри, бошланишида осон бўлмади. Дастлаб доклад тайёрлаб, уни тингловчилар орасида ўқиб эшиттиришдек номақбул иш услубидан фориғ бўлиши учун ундан маълум муддат ва малака талаб қилинди.

Автокомбинатда ҳозир партия ўқуви, иқтисодий ўқув ва комсомол ўқуви мактаблари ишлаб турибди. Уларнинг машғулотларини мунтазам таъсирчан ўтказилишини таъминлашга 32 пропагандист бош-қош бўлмоқда. Ўтган йилги ўқув машғулотларини ҳар бир пропагандист қайта қуриш талаби нуқтаи назаридан олиб боришга эришди. Партия белгилаб берган стратегик йўлни кенг ишчилар оммасига етказишда фаоллик қилди.

Янги иқтисодий шароитда, аниқроғи хўжалик ҳисобининг иккинчи моделида ишлаётган бу коллективдаги ютуқларнинг таъминланишида ҳам ташвиқотчиларнинг фаоллиги алоҳида кўзга ташланади. Улар ҳар бир мавзуни автокомбинат ҳаёти, ҳайдовчи-ремонтчиларнинг фаолияти билан боғлаб олиб боришади. Муаммо ва камчиликларни ҳал этишда ишчи ва хизматчиларнинг ўзларидан аввало амалий ҳаракат тақозо этилишини кенг тарғиб қилишади. Эксплутация бўлими бошлиғи Темур Асқаров, автокомбинат граждан мудофааси катта инженери Фёдор Кратасюк, ремонт устахонаси мастери Виктор Акимов сингари талабчан коммунистлар олиб бораётган машғулотлар айниқса тингловчиларда ҳамиша қизиқиш уйғотади.

Бу йилги «Пропагандист — 89» агитпоездида республика бўйлаб ташвиқот-тарғибот ишларини олиб бориш ва бой тажрибаларни ўртоқлашиш учун автокомбинатдаги икки пропагандист — Шонурмат Турсунов ва Абдураҳим Абдураҳмоновлар муносиб деб топилди. Кейинги навбат эса бу борада алоҳида фаоллик кўрсатган яна бир тарғиботчига насиб этади.

**Р. АҲМАДАЛИЕВ.**

